

XI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 46 250 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 30 643 тани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 66,3 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг (58,6 %), савдо (12,1 %), саноат (8,2 %) ва курилиш (4,6 %) соҳаларига тўғри келади.

Жиззах вилоятидаги корхоналар ва ташкилотлар сонининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши (2021 йил 1 апрель ҳолатига)

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан фоизда	бирлик	жамига нисбатан фоизда

Жами	46 250	100,0	30 643	100,0
------	--------	-------	--------	-------

шу жумладан:

қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	27 109	58,6	12 614	41,1
саноат	3 786	8,2	3 522	11,5
курилиш	2 141	4,6	2 048	6,7
савдо	5 595	12,1	5 211	17,0
ташиб ва сақлаш	675	1,5	632	2,1
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 447	3,1	1 339	4,4
ахборот ва алоқа	247	0,5	226	0,7
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	302	0,7	298	1,0
бошқа фаолият турлари	4 948	10,7	4 753	15,5

Корхона ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (фермер ва дехқон хўжаликларисиз) 23 123 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 21 703 тани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 100,0 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми, савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 5 595 та (24,2 %), саноат 3 786 та (16,4 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 3 982 та (17,2 %) ва қурилиш 2 141 та (9,3 %) соҳаларига тўғри келади.

**Жиззах вилоятидаги корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий
фаолият турлари бўйича тақсимланиши**
(2021 йил 1 апрель ҳолатига фермер ва дехқон хўжаликларисиз)

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	жамига нисбатан фоизда	бирлик	жамига нисбатан фоизда

Жами	23 123	100,0	21 703	100,0
-------------	---------------	--------------	---------------	--------------

шу жумладан:

қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3 982	17,2	3 674	16,9
саноат	3 786	16,4	3 522	16,2
курилиш	2 141	9,3	2 048	9,4
савдо	5 595	24,2	5 211	24,0
ташиш ва сақлаш	675	2,9	632	3,0
яшаш ва овқатланиши бўйича хизматлар	1 447	6,3	1 339	6,2
ахборот ва алоқа	247	1,0	226	1,0
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	302	1,3	298	1,4
бошқа фаолият турлари	4 948	21,4	4 753	21,9

**Жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг
худудлар бўйича тақсимланиши
(2021 йил 1 аперль ҳолатига, бирлик)**

	<i>2021 йил 1 аперль ҳолатига рўйхатга олинганлар сони</i>	<i>шунингдек, 2021 йил январь-март ойлари давомида:</i>	
		<i>янги ташкил этилганлар</i>	<i>тугатилганлар</i>

Жиззах вилояти	46 250	1 635	237
-----------------------	---------------	--------------	------------

шаҳар:

Жиззах	6 785	336	38
---------------	--------------	------------	-----------

туманлар:

Арнасой	3 232	128	7
Бахмал	3 820	128	44
Фаллаорол	5 501	145	21
Шароф Рашидов	6 564	232	18
Дўстлик	2 022	64	20
Зомин	4 414	181	13
Зарбдор	3 520	121	6
Зафаробод	2 246	48	6
Мирзачўл	2 213	61	28
Пахтакор	2 118	65	19
Фориш	2 778	97	17
Янгиобод	1 037	29	

2021 йилнинг январь – март ойларида жами 1 635 та янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари 4 та). Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Жиззах шахри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 336 таси, ёки 20,6 %) ҳамда Шароф Рашидов (232 таси, ёки 14,2 %) ва Зарбдор (121 таси, ёки 89,6 %) туманларига тўғри келади.

**Рўйхатга олинган юридик шахсларни худудлар
бўйича тақсимланиши**
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз, бирлик)

	<i>2021 йил 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинганлар</i>	<i>шунингдек, 2021 йил январь-март ойлари давомида:</i>	
		<i>янги ташкил тозганлар</i>	<i>тугатилганлар</i>

Жиззах вилояти	23 123	1 283	181
-----------------------	---------------	--------------	------------

шаҳар:

Жиззах	6 686	336	38
--------	-------	-----	----

туманлар:

Арнасой	793	51	6
Бахмал	1 378	90	42
Фаллаорол	1 926	131	24
Шароф Рашидов	3 579	182	15
Дўстлик	999	60	10
Зомин	1 833	120	13
Зарбдор	1 129	55	3
Зафаробод	726	35	6
Мирзачўл	869	45	10
Пахтакор	1 015	58	
Фориш	1 651	97	17
Янгиобод	539	23	

2021 йилнинг январь – март ойларида (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) жами -1 283 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 1 232 та). Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Жиззах шахри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 336 таси, ёки 26,2 %), Шароф Рашидов (182 таси, ёки 14,2 %) ва Фаллаорол (131 таси, ёки 10,2 %) туманлари хиссасига тўғри келади.

2021 йил 1 апрель ҳолатига – 19 801 та тижорат шаклидаги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, шундан хусусий корхоналар – 5 029 та, оиласиий корхоналар – 1 638 та, масъулияти чекланган жамиятлар – 12 646 та, акционерлик жамиятлари – 19 тани ташкил этди.

**Рўйхатга олинган тижорат корхоналарининг
ташкилий-хуқукий шакллари бўйича сони
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз, бирликда)**




Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 26,5 фоизи савдо, 25,6 фоизи қишлоқ ва ўрмон хўжалиги ва 21,7 фоизи саноат соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 181 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тутатилган.

Хорижий капитали иштирокидаги корхоналар. 2021 йил 1 апрель ҳолатига фаолият кўрсатаётган хориж капитали иштирокидаги корхоналар сони 214 тани ташкил этди.

2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига хориж мамлакатлар резидентлари капитали иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 214 тани ташкил этди. Бунда, Хитой Ҳалқ Республикаси резидентлари капитали иштирокида 60 та, Туркия Республикаси 60 та, Россия Федерацияси 47 та, Корея Республикаси 8 та, Америка Кўшма Штатлари 7 та ва бошқа давлатлар капитали иштирокида 32 та янги корхоналар рўйхатдан ўтган.

Жиззах вилоятида фаолият күрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг ҳамкор давлатлар кесими даги сони, бирликда



Шунингдек, хорижий капитал иштирокидаги фаолият күрсатаётган корхоналардан 138 таси қўшма корхоналар, 76 таси эса хорижий корхоналар ҳисобига тўғри келади.

2021 йил январь-март ойлари ҳолатига хориж мамлакатлар резидентлари капитали иштирокида рўйхатдан ўтган янги корхоналар сони – 11 тани ташкил этди. Бунда, Хитой Халқ Республикаси резидентлари капитали иштирокида – 4 та, Туркия Республикаси – 4 та, Россия Федерацияси – 1 та бошқа давлатларнинг резидентлари капитали иштирокида 2 та янги корхоналар рўйхатдан ўтган.

Хорижий капитал иштироқидаги корхоналар
(2021 йил 1 апрель ҳолатига, бирликда)

	2021 йил 1 апрель ҳолатига фаолият кўрсатаётганлар сони	шундан	
		қўйима корхоналар	хорижий корхоналар

Жиззах вилояти	214	138	76
-----------------------	------------	------------	-----------

шахар:

Жиззах	69	48	21
--------	----	----	----

туманлар:

Арнасой	7	5	2
Бахмал	9	6	3
Фаллаорол	21	14	7
Шароф Рашидов	21	12	9
Дўстлик	3	1	2
Зомин	16	8	8
Зарбдор	4	3	1
Зафаробод	10	3	7
Мирзачўл	5	2	3
Паҳтакор	8	7	1
Фориш	28	22	6
Янгиобод	13	7	6

**Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг
иқтисодий фаолият турлари кесимида тақсимланиши**
(2021 йил 1 апрель ҳолатига)


	<i>Корхоналар сони, бирлик</i>	<i>жамига нисбатан, % да</i>
Жами	214	100,0
<i>ишу жумладан:</i>		
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	39	18,2
Саноат	115	53,7
Қурилиш	9	4,2
Савдо	30	14,0
Ташиб ва сақлаш	5	2,3
Яшаш ва овқатланиш	3	1,4
Ахборот ва алоқа	3	1,4
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	2	1,1
Бошқа фаолият турлари	8	3,7

Иқтисодий фаолият турлари кесимида хориж капитални иштирокида фаолият кўрсатаётган 214 та корхонанинг 115 таси (53,7 %) саноат, 39 таси (18,2 %) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 30 таси (14 %) савдо, 9 таси (4,2 %) қурилиш, 3 таси (1,4 %) яшаш ва овқатланиш, 5 таси (2,3 %) ташиб ва сақлаш, 3 таси (1,4 %) ахборот ва алоқа, 2 таси (1,1 %) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда 8 % таси (3,7 %) бошқа соҳасига тўғри келади.

Кичик корхона ва микрофирмалар

2021 йил 1 апрель ҳолатига Жиззах вилоятида фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони 18 397 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич 2020 йил 1 апрель ҳолатига нисбатан 80,2 фоизга ошган. Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми, яъни 5 569 таси (30,3 %) Жиззах шаҳрига, 3 011 таси (16,4 %) Шароф Рашидов, 1 542 таси (8,4 %) Ғаллаорол ва 1 433 таси (7,8 %) Зомин туманлари ҳиссасига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микро фирмаларнинг
худудлар кесимидағи тақсимоти, бирликда**



Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган жами 18 397 та кичик корхона ва микро фирмаларнинг 5 195 таси (28,2 %) савдо, 3620 таси (19,7 фоиз) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 3491 таси (19,0 %) саноат, 2042 таси (11,1 %) курилишда, 1 334 таси (7,3 %) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳаси, 627 таси (3,4%) ташиб ва сақлаш, 214 таси (1,1 %) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 210 таси (1,1 %) ахборот ва алоқа соҳаси, шунингдек 1 664 таси (9,0 %) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади. Шундан кўриниб турибидики, фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микро фирмаларнинг асосий қисми савдо ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоқларига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса, ахборот ва алоқа ҳамда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳаларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмалар сонининг
иқтисодий фаолияти турлари бўйича тақсимоти, % да**



2021 йилнинг январь-март ойларида 1 232 та кичик корхона ва микрофирмалар янги ташкил этилган. Бу эса 2020 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирилганда 134,8 фоизни ташкил қилди. Энг кўп янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар Жиззах шаҳрида (326 та), Шароф Рашидов (180 та), Фаллаорол (127 та) ва Зомин (113 та) туманларида ташкил этилган. Энг кам Янгиобод (21 та), Зафаробод (32 та), Мирзачўл (44 та), ҳамда Зарбдор (48 та) туманларида ташкил этилган.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар сони таққосланганида энг кўпи савдо (340 та), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (322 та), саноат (275 та), курилиш (74 та) ва яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (64 та) соҳаларида ташкил этилган. Энг кам эса, ахборот ва алоқа (22 та), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўсатиш (18 та) ҳамда ташиш ва сақлаш (17та) соҳалари ҳиссасига тўғри келган.

Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони 2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига 1 638 тани ташкил этди, улардан 1 470 таси ёки 100,0 фоизи фаолият юритмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида қаралганда, фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг 624 таси ёки 42,4 фоизи саноат, 275 таси ёки 18,7 фоизи савдо, 251 таси ёки 17,1 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 227 таси ёки 15,4 фоизи яшаш ва овқатланиш хизматлари, 8 таси ёки 0,5 фоизи қурилиш, 6 таси ёки 0,4 фоизи ахборот ва алоқа, 4 таси ёки 0,3 фоизи соғликни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 1 таси ёки 0,1 фоизи ташиш ва сақлаш ҳамда 74 таси ёки 5,0 фоизи бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келади.

Хусусий корхоналар сони (1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)



Ташкилий-хуқуқий шакли бўйича рўйхатдан ўтган хусусий корхоналар сони 2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра 5 029 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 413 тага ёки 8,9 % га ошганлигини кўриш мумкин.

Фаолият кўрсатаётган хусусий корхоналар сони 4 578 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 352 тага ёки 8,3 % га ошганлигини кўриш мумкин.

2021 йил январь-март ойларида янги ташкил этилган оилавий корхоналар сони 105 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда -13 тага ёки 89,0 % га камайганини кўриш мумкин.

Масъулияти чекланган жамиятлар сони

(1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)

Ташкилий - ҳукуқий шакли бўйича рўйхатдан ўтган масъулияти чекланган жамиятлар сони 2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра 12 646 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 2 872 тага ёки 29,4 % га ошганлигини кўрсатмоқда.

Фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамиятлар сони 11 991 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 2 595 тага ёки 27,6 % га ошганлигини кўриш мумкин.

2021 йилнинг январь-март ойларида янги ташкил этилган масъулияти чекланган жамиятлар сони 894 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 236 тага ёки 35,9 % га ошганлигини кўриш мумкин.

